

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий таърифи
(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 12212 тани ташкил қилиб, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 11553 таси ёки 94,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2573 та (21,1 фоизи), саноат 1783 та (14,6 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 840 та (6,9 фоизи) ва қурилиш 1140 та (9,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	12212	100,0	11553	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1534	12,6	1425	12,3
саноат	1783	14,6	1692	14,6
қурилиш	1140	9,3	1098	9,5
савдо	2573	21,1	2373	20,5
ташиш ва сақлаш	465	3,8	436	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	840	6,9	799	6,9
ахборот ва алоқа	189	1,5	157	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	342	2,8	342	3,0
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	3346	27,4	3231	28,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 85,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 33,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 50,7 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-март ойларида жами ойларида жами 661 та хўжалик юритувчи субъектлари (фермер ва дехкон хўжаликлари) ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 26,2 фоизи), Жиззах (14,4 фоизи) ва Фориш (9,5 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 15,1 фоизи савдо, 21,6 фоизи саноат ва 7,9 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 299 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 51 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 17,1 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Давлат сектори

■ Нодавлат сектори